

ЖУМАНИЯЗОВА Мохира Шухрат кизи
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Халқаро муносабатлар ва ижтимоий фанлар
кафедраси ўқитувчиси

МАЪРИФАТПАРВАР ЖАДИДЛАРНИНГ ОИЛА ВА УНДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ЎРНИ МАСАЛАСИГА ОИД ФИКР- МУЛОҲАЗАЛАРИ

ВЗГЛЯДЫ ДЖАДИДОВ- ПРОСВЕТИТЕЛЕЙ ПО ВОПРОСУ СЕМЬИ И РОЛИ ЖЕНЩИН В НЕЙ

THE VIEWS OF THE JADIDS- ENLIGHTENERS ON THE ISSUE OF THE FAMILY AND THE ROLE OF WOMEN IN IT

Аннотация. Мазкур илмий мақолада оила, оилавий муносабатларда хотин – қизларнинг роли ҳақида маърифатпарвар жадидларнинг фикр – мулоҳазалари таҳлил этилган. Жадидлар ўз асарларида жамиятда мавжуд барча муаммоларни илмий жиҳатдан ўрганганлар ва ўзларининг яқдил хулосаларини берганлар. Мақолада ана шу таҳлиллardan фойдаланилган.

Калит сўзлар: Жадидлар қарашлари, оилавий муносабатлар, тарбия асослари, ахлоқий қарашлар, маърифатпарвар шахслар, ижтимоий муносабатлар, оилавий қадриятлар, хотин – қизларга муносабат, фарзанд тарбияси, аёллар таълими.

Аннотация. В данной научной статье анализируются взгляды просветителей о главном звене общества - семье, роли женщины и девушки в семейных отношениях, что считается одним из самых актуальных вопросов на сегодняшний день. В своих научных трудах джадиды изучали все проблемы общества и дали свои основные выводы, эти анализы были приведены в статье.

Ключевые слова: Взгляды джадидов, семейные отношения, основы воспитания, нравственные взгляды, просвещенные люди, общественные отношения, семейные ценности, отношение к

женщинам и девочкам, воспитание детей, женское образование.

Annotation. This scientific article analyzes the thoughts and opinions of enlightened moderns about the main link of society - the family, the role of women and girls in family relations, which is one of the most pressing issues today. In their scientific work, Jadids scientifically studied all the problems in society and gave their main conclusions. These analyzes were used in the article.

Keywords: Views of jadids, family relations, foundations of upbringing, moral views, enlightened persons, social relations, family values, attitude towards women and girls, child upbringing, women's education.

КИРИШ

Ҳар бир жамиятнинг тараққиёти шу жамиятни ташкил этган сиёсий, ижтимоий ва маданий институтларга боғлиқ. Жамият ҳаётига таъсир кўрсатадиган, унинг кучли ва заиф томонларини намойиш этадиган шундай институтлардан бири оиладир.

“Ёш авлод тарбияси ҳақида гапирганда, Абдурауф Фитрат бобомизнинг мана шу фикрларига ҳар биримиз, айниқса, энди ҳаётга кириб келаётган ўғил-қизларимиз амал қилишларини мен жуда-жуда истардим. Мана, улуғ аждодимиз нима деб ёзганлар: “Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-хурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва кул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ”. [1]

АСОСИЙ ҚИСМ

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, жадид мутафаккир Абдурауф Фитрат айнан фарзанд тарбиясида оиланинг ўрнини нечоғлик муҳим ва долзарб эканини таҳлил этган.

Шу ўринда, жамият ҳаётидаги ҳар бир масалага жиддий ёндашган жадид маърифатпарварлари оила масаласига ҳам кенг ёндашишган. Уларнинг жамият ва халқ ҳаёти

учун ғоят муҳим бўлган оила масаласини четлаб ўтишлари мумкин ҳам эмас эди. Жадид даврий матбуотида, шу жумладан, Бехбудийнинг “Ойина”сида оила масалалари ҳамиша диққат марказида бўлган. Масаланинг яна бир томони борки, жадидчилик таълимотининг маънавий изланишларидан сўз юритганда, айниқса, уларнинг оила тартиблари ва тарбиясига бўлган муносабатини ўрганишда Фитратнинг икки асарига алоҳида тўхталиш лозим.

Жадидларнинг энг йирик вакиллардан бири бу Абдулла Авлоний ҳисобланади. Тўғри, Абдулла Авлоний асосан таълим-тарбия тўғрисида, миллий давлатчилик тўғрисида ўз ғояларини илгари сурган, шунингдек унинг айнан мамлакатнинг ривожини, тарбиянинг асоси аввало оилада пайдо бўлиши ҳақидаги фикрлари ва ушбу мавзуга дахлдор бир неча мақолалар ҳам чиқарган. Ана шундай мақолаларидан бирида:

Тарбия – “Педагогика”, яъни бола тарбиясининг фани демакдур. Илм ахлоқнинг асоси тарбия ўлдуғиндан шул хусусда бироз сўз сўзлаймиз.

Боланинг саломати ва саодати учун яхши тарбия қилмак, танини пок тутмак, ёш вақтидан маслақини тузатмак, яхши хулқларни ўргатмак, ёмон хулқлардан сақлаб ўсдурмакдур.[3]

Бу мақолада А. Авлоний инсон камолоти учун аввало тарбия лозимлиги ва ана шу тарбия энг аввал албатта оилада шаклланиши лозимлигини келтириб ўтган.

Ахлоқ уламиси инсонларнинг хулқларини иккига бўлмишлар.

Агар нафс тарбият топиб, яхши ишларни қилурга одат қилса, яхшиликига тавиф бўлуб “яхши хулқ”, агар тарбиятсиз ўсув, ёмон ишлайдурган бўлуб кетса, ёмонликка тавсиф бўлуб “ёмон хулқ” деб аталур.

Жаноби Ҳақ инсонларнинг асл ҳилқатда истейдод ва қобилиятли, яхши ила ёмонни, фойда ила зарарни, оқ ила қорани айирадурган қилуб яратмишдур. Лекин бу инсондаги қобилиятни камолга еткурмак тарбия ила бўладур. “Қуш уясинда кўрганин қиладур”. Инсон жавҳари қобилдур. Агар яхши тарбия топиб, бузук хулқлардан сақлануб, гўзал

хулқларга одатлануб катта бўлса, ҳар ким қошида мақбул, бахтиёр бир инсон бўлуб чиқар. Агар тарбиятсиз, ахлоқи бузулиб ўсса, Аллоҳдан кўркмайдурган, шариатга амал қилмайдурган, насиҳатни қулоғига олмайдурган, ҳар хил бузук ишларни қиладурган, нодон, жоҳил бир расвойи олам бўлуб қолур.[3]

Юқоридаги мақолада аллома бевосита хулқ ҳақида таъкидлаб, унинг оилада ва жамият ҳаётидаги аҳамияти нақадар муҳим эканлигини тушунтириб ўтган. Дарҳақиқат тарбиясизлик бу келажакда жоҳилликнинг бирламчи аломатидир.

Расули ақрам набийи муҳтарам афандимиз: “Имони комил бўлган кишилар яхши хулқли бўлурлар, сизнинг энг яхшиларингиз хотунларига яхшилик қилганларингиздур”, - демишлар[3]

Маърифатпарвар Мунаввар Қорининг “Оила аъзолари” номли дарслигининг бўлимларида ота–онани ҳурматлаш, ака - ука ва қариндош уруғни эъзозлаш каби ғоялар алоҳида ўрин эгаллайди.

*Кишининг бор эрса ота – онаси
Ғаниматдир унга оларнинг ризоси
Худони қошида қабул экандир
Ота ва онанинг балога дуоси
Оларнинг ким оғритса кўнгилларини,
Қиёматда бўлғай жаҳаннам жазоси.*

Мунаввар Қори мазкур тўртлигида оила ва унда ота–онага ҳурмат, эъзозлаш каби муносабатларни келтириб, агарки ким бу ишларни тўқис адо этмаса албатта жазоланишини эслатиб ўтган.

Бундан ташқари Мунаввар Қорининг ота-она ва фарзандлар камоли ҳақидаги қуйидаги мақоласини ҳам келтириш мумкин.

Дунёда болаларга энг дўст ва меҳрибон кишилар ўзларининг ота ва оналаридурлар.

Ҳар она ўз боласини аввал тўққиз ой қорнида кўтариб юради, сўнгра қанча азоб ва меҳнатлар ила туғар. Бола туғулган замонда “инга” деб йиғламоқдан бошқа бир нарса билмас. Она бечора шу болани гоҳ кўтаруб, гоҳ ётқизуб, гоҳ турғузуб, гоҳ ўтқузуб тарбия

килар. Йиғласа, овутар. Оч қолса, эмизиб тўйғузар. Алоҳосил, боланинг хурсандлиги ва саломатлиги нима ила бўлса, ҳар бирини қилур. Керак бўлганда, молини ва жонини боласидан аямас. Ота эса кеча ва кундуз ишлаб топган нарсасини болаларининг ош, нон ва кийимлариға сарф қилур. Бунинг устиға “Ўзумдан сўнгра болаларимға қолсун, болаларим кишиға муҳтож бўлмасин”, деб бир нарса орттириб қўймоқ ҳаракатида бўлур.[3]

Аллома бу мақолада айнан оилада фарзанднинг энг яқини унинг ота-онаси экани ва фарзанд вояга етиб, бирор касб-корли бўлмагунча ота-оналар уларға ҳамиш маъсуллигини таъкидлайди.

Ота-онанинг кеча ва кундуз Худодан тилаган нарсаси болаларнинг саломатлиги ва узун умр кўрмоғи, дунё ва охиратда бахтли бўлмоғидир.

Болаларға бундай дўстлик ва яхшиликни ота-онадан бошқа ҳеч ким қилолмадур. Шул сабабли болаларға ўз ота ва оналарини чин кўнгил ила дўст тутмоқ, буюрған ишларини қилмоқ, қайтарған ишларидан қайтмоқ лозимдур.[3]

Мунаввар Қорининг мазкур мақоласи бевосита оиланинг мустаҳкамлиги албатта ота-оналарнинг ўзаро меҳр-муҳаббатига боғлиқлигини ҳамда фарзанд ана шу эътиборни ҳамиша эъзозлаши кераклигини тушунтириб ўтган. Юқоридаги фикрлар билан танишиш орқали Абдулла Авлоний, Мунаввар Қорининг оила масаласига жиддий ва изчил ёндашганлигини билиш мумкин.

Оила масаласи Октябр тўнтаришларига қадар бўлган даврда Исломот таълимоти асосида талқин қилиниб келди ва шу даврда Фитрат рисоласи дастуруламал вазифасини ўтади. Октябр тўнтаришлари билан ислом ҳам қувғин остига олинди ва шу даврда оила масаласига қайтиш зарурати кучайди. Даврнинг ана шу талаби билан Саид Аҳрорий оила мавзусида бир неча рисоалар яратиб, Фитратнинг оила масаласидаги қарашларини ойдинлаштириш ва ривожлантиришга эришди.

Саид Аҳрорийнинг оила мавзусига бағишланган туркум мақолалари 30 – йиллар

арафасида “Хотин-қизларимизга тортиқ” деган ном остида нашр этилди. Аммо бу ном остида чоп этилган рисола С.Аҳрорий режалаштирган оила китобининг биринчи қисмидир. “Совға” деб аталган иккинчи қисм, афсуски, ҳозирча топилмаган.

Саид Аҳрорийнинг бу рисоласидан олдин ўзбек хотин-қизларининг XX аср бошларидаги тақдири ҳақида тасаввур берувчи қуйидаги лавҳага эътибор қилинг: “Мундан бир неча йил муқаддам ўз ақраболарим орасида шундай юз очув расми бўлуб ўтмиш эди. Ўшал расм бўлатурган куни ман бир уйнинг деразасидан қараб турган эдимки, кўзлари ёшла бир неча хотинлар кўрпага ўралган бир нарсани гўшанга (чодир) тортилган ўйдан кўплашуб олиб чиқдилар. Кўз олдимда хотинлар тўсуви сабабли эшикни ёпуб, ёруғидан оҳистагина диққатлаб қараб турдим. Ўчоққа зўр ўт ёқуб, қозон осдилар. Қозонга бир қадок чамаси зиғир мой солдилар. бир тарафдан ўчоқ бошига бир суфра ёзуб, ичига бирор табоқ ун солдилар. Дарров беш-ўн дона чўбчироғ ҳозирлаб, икки-уч дона шағамлар ила чўбчироғларни ёндуруб, суфрадаги унга суқуб қўйдилар. Шул ишлар қилинғандан сўнг отунойим китобини қўлтуғлаб суфра бошига ўтуриб, бояги кўрпага ўралган нарсани ерга келтурди ва ўз қўли ила кўрпани очди. Баъзи хотунлар оҳиста-оҳиста хўнграб йиғлаб юбордилар ва кўрпа ичидаги ҳаракатсиз гавданнинг бошини кўтаруб қўйдилар. Шу ҳолда билдимки, бечора келиннинг навнихол ғунча ҳаёти хазони маргға мубаддал бўлуб, ўлум йўлдоши бўлган экан. Баданим сескануб кетуб, кўзимни зулмат қоплади. Ҳақиқатни билмак учун яна қараб турдим. Алҳосил, ул жасаднинг қўллари ила ундан чангаллатуб қозонга солдирдилар ва ўчоққа таъзим қилдирдилар. Отин ойим жасадга қараб: “Энди эрингизнинг ҳақ-ҳизмати бўйнингиздан соқит бўлди. Сиздан қайнота, қайноналарингиз ҳам рози бўлди,”–деди. Бундан сўнг ул бечоранинг руҳсиз жасадини яна кўрпага ўраб, гўшангалик уйга олуб кирдилар...” [8]

Бу хикоя Ҳамзанинг “Бидъатми? Мажусиятми?” деган публицистик мақоласидан олинди. Биз гарчанд бу лавҳага нисбатан

хикоя сўзини ишлатган бўлсак-да, Ҳамза уни ҳалқимиз орасида ўзи кўрган бидъат ва мажусият кўринишларидан бири, деб атаган ва шундай талқин қилган. Агар бу мақоланинг 1914 йили “Садои Туркистон” газетасида чоп этилганини назарда тутсак, демак, хотин-қизларга нисбатан шундай ҳақоратли муносабат ўша даврда мавжуд бўлган [10]

Жадидлар ўзларининг хотин-қизларга, оилага бўлган муносабатларида Қуръони каримдаги ҳуқуқий қарашларидан келиб чиққан ҳолда воқеликдаги мажусийлик давридан қолган шундай иллатларга қарши кескин кураш олиб бордилар. Улар хотин-қизларнинг шариатда кўзда тутилган ҳуқуқларини қаттиқ ҳимоя қилдилар. Лекин даврлар ўтиши ва 1917 йил воқеаларидан кейин ўзгача бир даврнинг келиши ва хотин-қизларни ҳуқуқ борасида эркаклар билан тенглаштирилиши натижасида оила масалаларига бағишланган рисола ва китоблар яратилишига эҳтиёж туғилди. С.Ахрорий ана шу эҳтиёж тақозоси билан ўзининг икки қисмдан иборат оила китобини яратди. “Хотин-қизларимизга тортиқ” деб номланган биринчи рисолада биз жадидчилик ҳаракати намояндаларининг хотин-қизларга бўлган муносабати замонавийлашгани, маданийлашгани ва латифалашганини кўрамиз.

Рисоланинг “Тасарруфга риоят” деб номланган фаслида С.Ахрорий ҳар бир оилада қандайдир кам-кўст, эҳтиёж бўлиши мумкинлигини айтиб, хотин-қизларнинг шундай шароитда виждонларининг буйруқларига тоқат кўрсата олмай, нафсларига тобе бўлишлари мумкинлигини айтиб, ёзади: “Мисол: баъзи одамлар бордирки, тақдирлари, кийимлари, уйлари, жойлари, деганлари, ишлари бордир. Лекин эҳтиёждан қутила олмаслар. Эҳтимолки, **бундай одмларнинг ҳам бошқа эҳтиёжлари бордир. Негаким, буларнинг ўқимоқлари, болаларини ўқитмоқлари, саёҳатга чикмоқлари бордирки, бундай ишларнинг манфаати ўзларидан бошқа ҳалқ учун бизда эҳтиёждан кўп нима бордир? Демак, англашиладики, сиз хонимлар, эҳтиёж ичида эзилиб қолсангиз, эҳтиёжни бўлдирмок**

учун бор аслингизни, бор кучингизни сарф этингиз” [6]

Кўрамизки, жадидларнинг хотин-қизларга, уларнинг оила ва жамиятда тутган ўрнига бўлган қарашлари даврлар ўтиши билан мукаммаллашиб борди. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий мақоласида тасвирланган хотин-қизларга нодонларча муносабатнинг ўзгариши, хотин-қизларнинг эркаклар билан қарийб тенг ҳуқуқли бўлишида жадидларнинг хизмати улқандир.

Оиланинг ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий асослари ислом дини томонидан қанчалик аниқ ва тўла белгиланган бўлса-да, XX асрда-таракқиёт асрида ўзбек ҳалқининг ижтимоий ва маърифий юксалиши учун дунёвий билимларни эгаллаш тарихий заруратга айланди. Модомики, жадидлар ўз олдиларига Туркистон аҳолисининг тарихий тақдирини ўзгартириш вазифасини қўйган эканлар, бунинг учун фақат оила пойдеворини мустаҳкамлаш, оиланинг жамият ҳаётидаги ролини оширишнинг ўзи камлик қиларди. Бу борада оиланинг келажагини таъминловчи аёл-қизлар таълими, тарбияси муҳим масала экани жадидлар эътиборидаги асосий муаммолардан бири эди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, жадидлар ўзларининг илғор ва замонавий қарашлари билан ўз даврида ҳукм сурган баъзибир иллатларни қоралаб, уларни бартараф этишга қарши курашганлар. Оилалардаги ноўрин турли хил одатлар, аёлларнинг таълими борасидаги фаол тақлиф-мулоҳазалари бугунги кун кишиси учун анчайин муҳим ва қизиқ бўлиши шубҳасиз. Айнан шунинг учун ҳам жадидлар қарашларини ўрганиш долзарб масалага айлантириш ва бугунги кун билан таққослаш биз яратаётган мустақил демократик жамият асосларидан бирини ташкил этади ҳамда янгича қарашларни ривожлантиради

Модомики, жадидлар ўз олдиларига Туркистон аҳолисининг тарихий тақдирини ўзгартириш вазифасини қўйишган экан, бунга фақат оила пойдеворини мустаҳкамлаш, оиланинг жамият ҳаётидаги ролини оширишнинг ўзи камлик қилар эди.

Аёлнинг жамиятдаги фаоллиги, аввало, оиланинг мустаҳкамлиги-ю оқил ва билимдон фарзандларни камолга етказишдек улкан масъулиятни адо этиш билан белгиланади. Шу боис унинг шаъни, обрў-эътибори, мавқе-даражаси унинг оиласидаги оналик мартабаси, аёллик вазифасига қараб баҳоланади. Бизнинг Шарқда эса қадимдан то ҳозирги кунга қадар аёл учун оила энг муқаддас ошён, ҳар нарсадан устун турувчи қадрият ҳисобланади. Ҳар қандай шароитда ҳам у халқнинг тинчлик-хотиржамлиги, фарзандларининг соғ-саломатлиги учун қайғурган, оиласини турлитуман ташвишлардан ҳимоя қилишга куч топа олган. Буни эса ҳақиқий маънодаги фидоийлик дейиш мумкин.

Аёлнинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, унинг фаоллигини оширишда куйидагилар муҳимдир:

- фуқаролик фаолиятини доимий қўллаб-қувватлаб борилиши;
- уларда мустақиллик ва миллий истиқлол ғояларига садоқат туйғусини шакллантириш;
- чуқур билим ва интеллектуал салоҳиятнинг таркиб топтирилиши, миллий кадрятлар ва урф-одатларнинг улар онгига синдирилиши;
- бозор иқтисодиёти шароитида ишбилармонлик, тадбиркорлик каби ҳислатларнинг барқарорлашуви;
- оилада мавжуд ўрнини янада мустаҳкамлаш ва оилавий ҳуқуқий муносабатларнинг илғор иштирокчиси этиб шакллантириш;

ФҲЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТДАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини барпо этамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – Б 80.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
3. Одоб-ахлоқ китоби. Жадид адабиёти намояндалари: М.Бехбудий., А.Авлоний., А.Фитрат., М.Абдурашидхонов., А.Чўлпон., А.Қодирий. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2015. – Б. 42.
4. Абдурауф Фитрат. Оила ёки оила бошқариш тартиблари, – Т.: “Маънавият”, 2000. 150 б.
5. Абдурауф Фитрат. Нажот йўли (Раҳбари нажот). – Т.: “Шарқ” НМК, 2001. – 168 б.
6. Саид Аҳрорий. Танланган асарлар. – Т.: “Маънавият”, 2006. – 145 б.
7. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Тўла асарлар тўплами. Беш жилдлик.Т.4. – Т.: “Фан”, 1989. – 250 б.
8. Мадаева Ш.О. Абдурауф Фитратнинг ижтимоий – фалсафий қарашлари. Т.: 1996. – 152 б.
9. Шарипов Р. Жадид адабиётида янгилиниш, ислохот ва мустақиллик учун кураш. – Т.: “Ўқитувчи”, 2002. – 170 б.